# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ 14.07.2016.I.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

#### ГАФУРОВ УБАЙДУЛЛО ВАХАБОВИЧ

#### КИЧИК БИЗНЕСНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 — Тадбиркорлик ва кичик бизнес иктисодиети 08.00.01 — Иктисодиет назарияси (иктисодиет фанлари)

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

УДК: 334.722(075)

#### Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси Оглавление автореферата докторской диссертации Content of the abstract of doctoral dissertation

Гафуров Убайдулло Вахабович	
Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иктисодий	
механизмларини	
такомиллаштириш3	
Гафуров Убайдулло Вахабович	
Совершенствование экономических механизмов государственного	
регулирования малого	
бизнеса	
Gafurov Ubaydullo Vakhabovich	
Improving economic mechanisms for regulating small business by the	
state	.63
Эълон қилинган ишлар рўйхати	
Список опубликованных работ	
List of published works	89

2 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ 14.07.2016.I.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ГАФУРОВ УБАЙДУЛЛО ВАХАБОВИЧ

КИЧИК БИЗНЕСНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА

# СОЛИШНИНГ ИКТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 — Тадбиркорлик ва кичик бизнес иктисодиèти 08.00.01 — Иктисодиèт назарияси (иктисодиèт фанлари)

#### ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

#### Тошкент - 2017 йил

3

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида 30.09.2014/B2014.5.I310 ракам билан руйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат иктисодиет университетида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-сахифаси (www.bfa.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслахатчи: Юсупов Ахмадбек Таджиевич

иқтисодиет фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Иминов Одилжон Каримович

иқтисодиет фанлари доктори, профессор

**Абдурахмонов Олим Қаландарович** иқтисодиет фанлари доктори, профессор

Набиев Элшод Ганиевич

иқтисодиет фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлашти риш, монополиядан чиқариш ва рақобатни

#### ривожлантириш давлат қўмитаси

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент молия
институти хузуридаги 14.07.2016. І.31.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий
кенгашнинг 2017 йил «»соатдаги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил:
100000, Тошкент шахри, Мовароуннахр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-
54-01, e-mail: info@bfa.uz.
Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг
Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:
100000, Тошкент шахри, Мовароуннахр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-
54-01, e-mail: info@bfa.uz.
Диссертация автореферати 2017 йил «» куни тарқатилди.
(2017 йил даги №рақамли реестр баèнномаси).
А.Ш.Бекмуродов
Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор
The state of the s
Ш.Р.Актамов
Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш асосида бир марталик илмий
кенгаш котиби, PhD

Н.Х.Хайдаров

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

4

#### КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахон иктисо диѐтида сўнги ўн йилликлар, айникса, жахон молиявий-иктисодий инкирози шароитида давлатнинг иктисодиѐтни тартибга солишдаги роли, иктисодий тараккиѐтни таъминлашда кичик бизнеснинг иштироки борасидаги назарий карашлар тубдан ўзгармокда. Халкаро молия фонди (IMF)нинг хисоботига кўра, «бугунги кунда дунѐда 90 фоиз корхоналар кичик ва ўрта бизнесга тегишли бўлиб, улар бутун дунѐнинг 63 фоиз ахолисини иш билан таъминламокда. Европа Иттифоки микѐсида кичик ва ўрта бизнеснинг умумий салмоғи 99,8 фоизни ташкил этгани холда 85 фоиз ахолини иш билан таъминлаб, жами кўшилган кийматнинг 58 фоизини яратишда иштирок этмокда» 1. Мамлакатимизда мустакилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ижти моий-иктисодий тараккиѐтни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркор ликни ривожлантириш мухим йўналиш сифатида белгилаб берилди. «Бу хакда гапирганда, авваламбор, соха ривожи учун мустахкам конунчилик ва хукукий база шакллантирилгани ва мунтазам такомиллаштириб борилаѐтгани, бизнес

учун имтиèз ва преференциялар бериш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда модернизация қилиш масалаларида давлат томонидан тизимли равишда èрдам кўрсатилаèтганини таъкидлаш лозим»<sup>2</sup>. Мазкур соҳани давлат томонидан тартибга солиш, жумладан, унинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ва бандликни таъминлашдаги улушини ошириш, технологик таркибий тузилишини такомиллаштириш, кредит ресурсларига бўлган эҳтиèжини қондириш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш каби йўналишларда тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу каби муҳим ислоҳотлар натижасида 2015 йил якунига кўра ³кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ялпи ички маҳсулотда 56,5 фоиз, саноат маҳсулотлари ҳажмида 40,6 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмида 98,4 фоиз, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмида 35,8 фоизга етди. Иш билан банд жами аҳолининг 77,9 фоизи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда.

Жахонда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иктисодий механизмларини такомиллаштириш, мазкур жараенларнинг самарадорлигини ошириш, давлатнинг тартибга солиш объекти сифатидаги кичик бизнеснинг ишловчилар сони жихатидан мезонларини аниклаштириш, кичик бизнес учун қулай ишчан мухитни яратиш, тартибга солишнинг пул кредит механизмларидан самарали фойдаланиш, унинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кучайтириш, янги иш ўринларини яратиш ва ахоли даромадини ошириш борасидаги имкониятларидан тўларок фойдаланиш, инновацион ғоялар ва технологияларни амалиетта жорий этишни https://www.imf.org/external/pubs/ft/sdn/2015/sdn1504.pdf

фаоллаштириш мухим ахамият касб этмокда. Шу жихатдан мазкур диссертация мавзуси долзарблиги намоен булади.

5

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги ПФ 4354-сон «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кулай ишбилармонлик мухитини шакллантиришга доир кўшимча чора тадбирлар тўғрисида», 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли химоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсикларни бартараф этиш чора тадбирлари тўғрисида» ва 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 майдаги 232-сон «Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъèрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий сиѐсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги ҳалқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. 2012 йил 14 сентябрь. – www.uza.uz

<sup>&</sup>lt;sup>3</sup> Маълумотлар куйидаги манба асосида келтирилган: Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. Ўзбекистон Республи-каси Давлат статистика кумитаси. Статистик туплам. – Т., 2016, 18-50-б.

тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

6

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғликлиги. Мазкур диссертация тадкикоти респуб лика фан ва технологиялари ривожланишининг І. «Демократик ва хукукий жамиятни маънавий-аҳлокий ва маданий ривожлантириш, инновацион иктисодиетни шакллантириш» устувор йўналишига мувофик ИТД-2 «Демокра тик ислоҳотларни янада чукурлаштириш, фукаролик жамиятини шаклланти риш, миллий иктисодиетни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чикиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадкикотлар шархи<sup>1</sup>. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иктисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар жахоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Есопотіс Development Institute, World bank, Harvard University, Peterson Institute for International Economics, University of Chicago (AKIII), Organisation for Economic Cooperation and Development (OECD) (Франция), World Intellectual Property Organization (WIPO) (Швецария), Asia-Pacific Economic Cooperation (APEC) (Сингапур), Montpellier Business School (Франция), Институт экономической политики (Россия), Oxford University (Буюк Британия), Organization for Small and Medium Enterprises and Regional Innovation (SMRJ) (Япония), The Institut für Mittelstandsforschung (IfM) (Германия), Тошкент давлат иктисодиет универси (Ўзбекистон) институти Тошкент молия томонидан тети ва оширилмокда.

Кичик бизнесни самарали ривожлантириш ва давлат томонидан тартибга - 1 Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадкикотлар шархи http://www.montpellier-bs.com/; http://www.doingbusiness.org/~/media/WBG/DoingBusiness/Documents/Annual-Reports/English/DB16-Full-Report.pdf; http://www.ncapec.org/docs/what\_is\_apec.pdf; http://www.ecattrade.com/single-post/2016/03/30/Trans-Pacific-Partner ship-Benefits-Small-and-Medium-Sized-Enterpri-ses-in-Global-Production-Chains; http://www.smrj.go.jp/index.html; http://www.wipo.int/portal/en/index.html; http://www.meti.go.jp/english/press/2015/pdf/0424\_01a.pdf; http://www.ifm bonn.org/uploads/tx ifmstudies/workingpaper 02 15.pdf ва бошка манбалар асосида тайèрланган.

солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича жахонда амалга оширилган илмий-тадкикотларда қатор, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: бизнесни ташкил этишда мулкни ҳисобга кўйиш жараѐн ларининг ишончлилиги, шаффофлиги, қамров даражаси ва муаммоларининг ҳал этилиши механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (Easiness of Doing Business, World Bank); кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини оширишда «глобал ишлаб чиқариш занжирлари» (GPCs) шаклидаги ишлаб чиқариш ва бошқарув усуллари асосланган (Peterson Institute for International Economics, АҚШ); кичик бизнесда корпоратив ижтимоий масъулиятни тартибга солиш ва инвестицион жозибадорликка таъсирини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (Montpellier Business School, Франция); кичик бизнесни инновацион самарадорлигини ошириш бўйича давлат назорати ва рағбатининг самарали воситалари (кичик бизнесни миллий инновация тизимига уйғунлашуви ва б.) асосланган (World Intellectual Property Organization, Швецария); кичик бизнес соҳасида иш юритишни фрилансинг

шаклида ташкил этишнинг самарали усуллари асосланган (SMRJ, Япония); индивидуал ҳаракат режалари (IAP) асосида савдо ва инвестицияларни либераллаштириш, уларни амалга ошириш таомилларини соддалаштириш, иктисодий ва техник ҳамкорликни кучайтириш асослари такомиллаштирилган (Asia-Pacific Economic Cooperation, Франция); олий таълим муассасаларида инновацион бизнес кўникмаларини ривожлантиришда бизнес-инкубаторлар тизимидан фойдаланиш асосланган (IfM, Германия).

Дунеда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий методологик, услубий ва иктисодий-хукукий асосларини такомиллаштириш буйича катор, жумладан, куйидаги устувор йуналишларда тадкикотлар олиб борилмокда: иктисодиетдаги циклик тебранишлар даврида кичик бизнеснинг баркарорлаштирувчи ролини ошириш; кичик бизнесдан инновацион иктисо диетни шакллантириш ва ракобатбардошликни таъминлаш омили сифатида фойдаланиш; кичик бизнесдаги ишловчиларни касбий ва кайта тайерлашни бизнес-таълим тизимини кенгайтириш оркали такомиллаштириш; кичик корхоналарнинг йирик корхоналар билан ишлаб чикариш-технологик кооперациясини шартнома муносабатларини ривожлантириш асосида ташкил этиш механизмларини кучайтириш; кичик бизнеснинг корпоратив муносабатлар-даги иштирокини фаоллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг асарлари мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш, уни давлат томонидан тартибга солиш ва иқтисодий меҳанизмларини такомиллаштиришнинг назарий методологик асослари бўлиб хизмат қилди.

Иқтисодиèтни давлат томонидан тартибга солиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари хориж олимларидан А.Смит, Ж.Б.Сэй, Р.Кантильон, А.Маршалл, Й.Шумпетер, Ж.Кейнс, Р.Хизрич, М.Питерс, Ф.Хайек, М.Г.Лапуста, Ю.Л.Старостин,

7

К.Р.Макконнелл, С.Л.Брю, Ф.Ф.Хамидуллин, М.М.Хаит, Г.Н.Власов, А.М.Желтов¹ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича тахлил қилинган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг умумий жиҳатлари Ё.Абдуллаев, М.Р.Болтабаев, Ф.Каримов, А.Н.Самадов, Р.Ходжаев, Ш.Ж.Эргашходжаева, Ш.Юлдашев, А.Т.Юсупов, М.С.Қосимова, Б.К.Ғойибна заров²ва бошқа олимларнинг ишларида баѐн этилган. Кичик тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодиѐт тармоқларидаги самарадорлигини ошириш йўллари ва уни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари Ҳ.П.Абулқоси мов, И.А.Бакиева, Н.К.Муродова, Қ.Муфтайдинов, А.А.Қулматов³ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кўриб чиқилган. У.Бойматова, И.У.Ибрагимов, Д.Собиржонова, Р.Ходжаев, Ф.Қ.Шоюсупова, А.Эгамбердиев⁴ ва бошқа муаллифларнинг ишларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошқариш механизмини такомиллаштириш масалалари тадқиқ

этилган. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш масалалари Б.Ю.Ходиев, С.К.Салаев <sup>5</sup>ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган.

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни солик механизмлари оркали ривожлантириш муаммолари М.И.Альмардонов, Н.Б.Ашурова, А.А.Ботиров, А.В.Вахабов, Б.Р.Санакулова, Ш.А.Тошматов, Ж.Ж.Урмонов томонидан тадкик этилган<sup>6</sup>. Шунингдек М.М.Абдурахмонова<sup>1</sup>ўз тадкикотида кичик бизнес ва

- Сэй Ж.Б. Трактаты политической экономии. М.: Экономика. 1985. 55 с.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Т.1. М.: Ось, 1977. 480 с.; Маршалл А. Принципы политической экономии. Т. 1. М.: Прогресс, 1993. 415 с.; Шумпетер Й. Теория экономического развития. М.: Прогресс, 1985. –159 с.; Кейнс Ж. Общая теория занятости, процента и денег. М.: Экономика, 1948. С. 238-241.; Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. М.: Прогресс, 1991. 223 с.; Хайек Ф. Дорога к рассвету М.: Экономика, 1992. 91 с.; Лапуста М.Г, Старостин Ю.Л. Малое предпринимательство. М.: Инфра-М, 1997. С.87.; Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс. В 2-х т. Т-1. М., 1992. 399 с.; Хамидуллин Ф.Ф. Развитие методологии исследования малого бизнеса // Проблемы современной экономики, №3(19), 2007.; Хаит М.М. Развитие малого бизнеса на основе реструктуризации крупных предприятий // Вестник Московского университета, сер. 6. Экономика, №4, 2006. С.32-43.; Государственное регулирование экономики / Учебное пособие. Под общ. ред. проф. Г.Н.Власова, доц. А.М.Желтова. Нижний Новгород, 1998.
- <sup>2</sup> Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. Т.: Мехнат, 2010. 349 б.; Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. Т.: Иктисод-молия, 2008. 339 с.; Болтабаев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Ғойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Ходжаев Р. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: Ўкув кўлланма. Т.: Иктисодиет, 2010. 275 б.; Ходжаев Р., Эгамбердиев А. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Т.: Иктисод-молия, 2008. 105 б.; Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.: 2008. -365 б.
- <sup>3</sup> Абулкосимов Х.П., Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. Монография. Т.: Университет, 2015. 126 б.; Бакиева И.А. Ўзбекистон енгил саноатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш. Дис. ... икт. фан. номз. Т., 2012.; Муродова Н.К. Кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини ошириш йўналишлари. Дис. ... икт. фан. номз. Т., 2008.; Муфтайдинов Қ. Иктисодиетни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Дис. ... икт. фан. д-ри. Т., 2004.; Кулматов А.А. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий муаммолари. Дис. ... икт. фан. номз. Т., 2004.
- <sup>4</sup> Ибрагимов И.У. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошкариш механизмини такомиллаштириш (Наманган вилояти мисолида). Дис. ... икт. фан. номз. Т., 2012.; Ходжаев Р., Эгамбердиев А., Шоюсупова Ф.Қ. Кичик бизнесни бошкариш. І кисм. Ўкув кўлланма. -Т.: IQTISOD–MOLIYA, 2007. 180 б.; Собиржонова Д., Бойматова У. Хусусий ва кичик бизнес менежменти. Ўкув кўлланма. Т.: IQTISOD–MOLIYA, 2007. 200 б.
- <sup>5</sup> Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иктисодиѐтида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш. Дис. ... икт. фан. д-ри. Т., ТДИУ. 2000. 338 б.; Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш (Ўзбекистон Республикаси мисолида). Дис. ... икт. фан. д-ри. Т., 2008.
- <sup>6</sup> Альмардонов М.И. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва уни тадбиркорлик фаолиятига таъсири. Дис. ... иқт. фан. д-ри. Т., 2004.; Ашурова Н.Б. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда солиқ механизмининг таъсири. Дис. ... иқт. фан. номз. Т., 2008.; Ботиров А.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш

хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан кўллаб кувватлашни такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратган. Амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий назарий изланишларга қарамасдан, айнан кичик бизнес субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган масалалар тизимли холда еритиб берилгани йўқ. Мазкур холат диссертация ишида келтирилган мунозарали муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан такдим этилган таклиф ва хулосаларнинг долзарблик даражасини янада оширади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муас

8

сасасининг илмий-тадкикот ишлари билан боғликлиги. Диссертация тадки коти Тошкент давлат иктисодиет университети илмий-тадкикот ишлари режа сига мувофик ФМ-1 «Ўзбекистонда макроиктисодий баркарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иктисодий ривожланишни прогнозлашнинг илмий методик асослари ва усулларини такомиллаштириш» йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича назарий услубий ҳамда амалий йўналишдаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

#### Тадқиқотнинг вазифалари:

иқтисодиетни давлат томонидан тартибга солишнинг узвий қисми сифатида кичик бизнес фаолиятини тартиблашнинг иқтисодий мазмунини очиб бериш;

давлат томонидан кичик бизнеснинг ишловчилар сони жихатидан мезон ларини белгилашнинг турли концепциялари, восита ва усулларини тахлил этиш;

иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида давлат томонидан кичик бизнесни тартибга солиш амалиетини таҳлил қилиш;

кичик бизнеснинг технологик, тармоқ ва функционал таркибий тузилмасини такомиллаштириш, йирик корхоналар билан кооперацион алоқаларини кучайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

янги иш ўринларини яратиш ва ишчи кучи бандлигини таъминлаш борасида кичик бизнес соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш (рағбатлантириш) механизмларини такомиллаштириш;

кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишда пул-кредит усуллари дан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш; кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги, жумладан, амалиѐтини такомиллаштириш йўллари. Дис. ... иқт. фан. номз. - Т., 2012.; Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш. Дарслик / А.В.Ваҳабов., Б.Р.Санакулова. - Т.: ТМІ, 2013. - 405 б.; Санакулова Б.Р. Кичик тадбиркорлик субъектларининг солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш. Дис. ... иқт. фан. д-ри. − Т., 2016.; Тошматов Ш.А. Кичик бизнесни ривожлантиришда солиқ сиѐсатини такомиллаштириш // Жамият ва бошқарув. - Т., 2013. - №1. - Б.75.; Урмонов Ж.Ж. Кичик бизнесни ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантириш функциясидан самарали фойдаланиш истиқболлари. Дис. ... иқт. фан. номз. - Т., 2010.

<sup>1</sup> Абдурахмонова М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш. Дис. ... иқт. фан. номз. - Ф., 2012.

махсулот ва хизматларни экспорт қилиш жараèнларидаги иштирокини рағбат лантириш жиҳатидан тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиш; кичик бизнеснинг инновацион ғоялар ва технологияларни амалиèтга жорий этишдаги иштирокини фаоллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаèтган кичик бизнес субъектлари олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш буйича иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадкикотнинг усуллари. Диссертацияда тахлил ва синтез, индукция ва

9

дедукция, иктисодий-математик моделлаштириш, статистик, корреляцион ва регрессион тахлил, эксперт бахолаш, илмий абстракциялаш ва бошка усуллар кўлланилган.

#### Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес микдорий чегараси мезонларини «минимал самарали кўлам» ва «функционал жихатдан комплектлаш» концепциялари хамда ишчи кучининг сўнгги қўшилган махсулоти уйғунлиги негизида белгилаш бўйича назарий услубий ѐндашув асосланган;

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараенининг оптимал муддатини белгилаш, уни самарали амалга оширилишини таъминловчи махсус инфратузилма хизматлари фаолиятини ривожлантириш томонидан тартибга солишнинг услубий ендашуви оркали давлат такомиллаштирилган;

минтақаларнинг экспорт салоҳиятини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокини янада кенгайтириш ва уларни қўллаб қувватлаш самарадорлигини таъминлашнинг асосий восита ва дастаклари ҳамда баҳолаш тизимини жорий этиш асосида такомиллашган услубий ѐндашув ишлаб чиқилган;

ишчи кучи талаб ва таклифи мувозанатининг кичик бизнес субъектлари орқали уйғунлигини оширишда бандликка кумаклашиш соҳасида тайерланган мутахассисларнинг ишлаб чиқаришдаги турғун жойлашувини узаро манфаатдорлик негизида таъминлашга рағбатлантирувчи иқтисодий механизм асосланган;

ишбилармонлик мухитининг ривожланганлик даражасини бахолаш услубиети Жахон банкининг Doing Business рейтинг кўрсаткичларига мувофиклигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини экспортини қўллаб қувватлаш юзасидан экспорт шартномасини тузишда кўрсатиладиган ѐрдамнинг манзиллилик даражасини рейтинг баҳолаш услубиѐти ишлаб чиқилган.

#### Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес соҳасида ишловчилар сони жиҳатидан мезонларини белгилаш жараѐни турли босқичларга ажратилиб, уларнинг асосий хусусиятлари очиб берилган;

кичик бизнес субъектларига бериладиган имтиèз ва преференцияларнинг мазмуни, самарадорлиги тадқиқ этилган ҳамда улар миқдорий чегараларини

10 белгилашнинг илмий-услубий асослари такомиллаштирилган; кичик бизнес корхоналари сони ва уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омиллар ўртасидаги корреляцион-регрессион боғлиқликнинг эконометрик моделлари ишлаб чиқилган;

кичик бизнес субъектларининг тармоқ ва технологик жиҳатидан таркибий тузилишини такомиллаштириш бўйича таклифлар асосланган; давлат пул-кредит сиѐсатини кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятига

таъсирининг ўзига хос тавсифи назарий жихатдан очиб берилган хамда шу асосда молиявий таъминлаш жараенини тартибга солиш борасида назарий тавсиялар ишлаб чикилган;

кичик бизнеснинг инновацион ғоялар ва технологияларни амалиèтга жорий этишдаги иштирокини янада фаоллаштиришни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чикилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган èндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиклиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиèтга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадкикот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти. Тадкикот натижаларининг илмий ахамияти улардан кичик бизнес субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солишга оид назарий-методологик ва услубий аппаратни мавзуга иктисодий хамда ОИД механизмларни такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий-тадкикотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изохланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан республикада кичик бизнес субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурий ҳужжатларда, соҳани самарали ривожлантириш қаратилган комплекс чора-тад бирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Doing Business халқаро индикаторларини эътиборга олган ҳолда минтақа лардаги ишбилармонлик муҳитини баҳолаш услубиѐтини такомиллаштириш бўйича таклифлар Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси амалиѐтига татбиқ этилган (2016 йил 11 ноябрдаги 6775/03-19-сон маълумотнома). Мазкур таклифнинг амалга оши рилиши минтақалардаги ишбилармонлик муҳитини баҳолаш натижаларининг объективлигини ошириш ҳамда ҳалқаро талабларни эътиборга олган ҳолда ишбилармонлик муҳитини баҳолашга оид янги индикаторларни услубий амали ѐтга ўз вақтида киритилиб бориш имконини беради;

кичик бизнес субъектлари экспортини қўллаб-қувватлашни бахолаш ҳамда экспорт шартномаларининг манзиллилик даражасини ошириш бўйича ишлаб

чиқилган «Тескари тартибдаги рейтинг нисбати» усули Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси амалиетига жорий этилган (2016 йил 26 сентябр даги ЖМ-1058-сон маълумотнома). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши экспорт бўйича қўллаб-қувватлашнинг манзиллилик даражаси ва кичик бизнес

11

субъектлари экспорт таркиби диверсификация даражасининг ошиши, таркибида технологик жиҳатдан қушилган қиймати юқори булган товар ва хизматларни экспорт қилинишини рағбатлантириш жараѐнларининг кучайишига имкон яратди, хусусан, Бухоро, Навоий ва Фарғона вилоятларидаги кичик бизнес субъектларининг экспорт шартномалари ҳажмининг 12 фоизга ошишига имкон берди;

касбга ўкитиш ва кайта тайерлаш самарадорлигини ошириш ва иш билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар Мехнат вазир лиги тизимига жорий қилинган (Мехнат вазирлигининг 2016 йил 29 сентябрдаги 02-06/2893-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиетта татбики ишсизларни касбга ўкитиш ва кайта тайерлаш маркази фаолияти самарадорлигини ошириш, битирувчиларни доимий иш билан таъминлаш; давлат томонидан экспортга йўналтирилган, таркибида технологик жихатдан қушилган қиймати юқори булган махсулот ва хизматларни ишлаб чиқарувчи, ахолининг муайян қатламлари (ешлар, аеллар, кам таъминланган, ижтимоий химояга мухтож, замон талабидан келиб чиккан холда ўз касбини ўзгартиришга эхтиеж сезаетган ва бошка фукаролар)ни иш билан таъминлашга йўналтирилган корхоналарни рағбатлантириш; корхоналарнинг экспорт салохиятини янада ошириш, хусусан, мазкур механизм орқали корхоналар томонидан ишга қабул қилинган шахсларга тўланиши кўзланган ишсизлик нафақаларини тежаш, тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат бюджетига қушимча ижтимоий тўловларнинг манбасини яратди;

касбга ўқитиш ва қайта тайèрлаш бўйича Давлат дастурида белгиланган микдорини худудлар бўйича таксимлаш услубиèтини такомиллаштириш бўйича таклифлар Мехнат вазирлиги тизимида амалиèтга жорий қилинган (Мехнат вазирлигининг 2016 йил 29 сентябрдаги 02-06/2893-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф Давлат дастурида белгиланган ишсизларни касбга қайта тайèрлаш бўйича ходимлар сонини худудлар ўртасида муайян устуворликларни хисобга олган холда самарали таксимлаш имконини берди;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш борасидаги асосий тенденциялар бакалавриат таълим йўналишида «Иқтисодиѐт назарияси» фанидан дарсликка киритилган (21.09.2005 й.; №0053). Мазкур илмий натижалардан дарсликда фойдаланиш кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятларини очиб беришга хизмат қилди;

давлат томонидан кичик бизнесни тартибга солиш, асосий йўналишлари, восита ва усулларига оид илмий натижалар 5A230101-Иқтисодиѐт назарияси мутахассислиги учун «Иқтисодий тизимлар трансформациялашув жараѐнлари назарияси» фанидан дарсликка киритилган (13.03.2013 й.; №82-031). Илмий натижалардан дарсликда фойдаланиш кичик бизнесни давлат томонидан

12 тартибга солишнинг асосий йўналишлари, восита ва усулларининг тавсифини очиб беришга хизмат қилди;

белгилашнинг асосий концепциялари, давлат томонидан сохага берилган имтиезлар самарадорлигини бахолашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлардан «Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик маркетинг стратегиясини ривожлантиришнинг назарий ва методологик асосларини ишлаб чикиш» мавзусидаги фундаментал лойихада фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиклаштириш кумитасининг 2016 йил 7 октябрдаги ФТК-0313/659-сон маълумотномаси). Мазкур илмий натижалардан лойихада фойдаланиш мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чикишда қўллаб-қувватлаш восита ва дастакларининг таъсирчанлигини кучайтириш, турли кўринишдаги имтиезларнинг ижтимоий-иктисодий самарадорлигини ошириш имконини беради.

Тадкикот натижаларининг апробацияси. Тадкикот натижалари 40 дан ортик республика ва халкаро илмий-амалий конференцияларда, жумладан (Tashkent, 2011), «Трансформация экономических «Ideas for business» отношений в условиях преодоления последствий глобального финансово экономического кризиса» (Москва, 2010), 16-, 17-, 18-«Международные Плехановские чтения» (Москва, 2003, 2004, 2005), «Ўзбекистон иктисодиетини муаммолар ва хал қилиш йўллари» (Тошкент, 2002), эркинлаштириш: «Управление персоналом в государственных организациях и коммерческих структурах» (Москва, 2004), «Ўтиш иктисодиети шароитида Ўзбекистон иктисодиети ва ташки иктисодий алокаларни эркинлаштириш хусусиятлари» (Тошкент, 2004), «Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашиши шароитида барқарор иқтисодий ривожланиш муаммолари» (Тошкент, 2004), модернизациялаш ва ислох этиш – барқарор ўсишни «Иктисодиетни 2005), «Ўзбекистонда жамиятни таъминлашнинг бош йўли» (Тошкент, модернизация қилишнинг долзарб муаммолари» (Тошкент, 2005), «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг хорижий тажрибаси ва Ўзбекистонда уларнинг экспорт салохиятини юксалтириш муаммолари» (Тошкент, 2005), «Иктисодий ресурслардан самарали фойдаланиш мамлакат экспорт салохияти ва ракобатбардошлигини оширишнинг мухим омили» (Тошкент. «Иқтисодиетнинг 2006). таркибий кисмлари **ў**ртасидаги мутаносиблик ва мувозанатни таъминлашнинг назарий асослари» (Тошкент, 2008), «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ижтимоий омиллар, натижалар ва муаммолар» (Фарғона, 2009), «Жахон молиявий-иктисодий инкирози, Узбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва (Тошкент, 2009), «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ижтимоий-иктисодий юксалиш омили» (Фарғона, 2011), «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари» (Бухоро, 2011), «Иқтисодиетни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: муаммолар, ривожланиш истикболлари» (Тошкент, 2011), «Иктисодиетда барқарор ўсиш суръатлари ва макроиктисодий мутаносибликни

миллий Республикаси иктисодиетининг рақобатбардошлигини йўллари» (Тошкент, 2012), «Фукаролик жамиятини ривожлантиришнинг иктисодий омиллари» (Тошкент, 2012, 2013), «Ўзбекистон Республикасида инновация-инвестиция фаолиятини янада такомиллаштиришда банк-молия секторининг иштирокини кенгайтириш» (Тошкент, 2015), «Ўзбекистонда рақобат мухитининг шаклланиши: назария ва амалиет» (Тошкент, 2015), «Ўзбекистонда мулкчилик шаклларининг ривожланиши: ютуклар муаммолар» (Тошкент, 2015), «Ўзбекистонда молиявий секторнинг ролини ошириш ва унда илгор хориж тажрибасидан фойдаланиш» (Тошкент, 2015) мавзуларидаги маъруза кўринишида баен этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 72 та илмий иш, шу жумладан, 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиетлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 258 бетни ташкил этган.

#### ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асос ланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллан-тирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баен қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиетга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Кичик бизнес фаолиятини давлат томонидан тар тибга солишнинг назарий ва услубий асослари» деб номланган биринчи бобида кичик бизнес фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари, кичик бизнеснинг ишловчилар сони жихатидан мезонларини белгилаш концепциялари, улар фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг восита ва усуллари киèсий тахлил килинган.

Бугунги кунга келиб давлат томонидан иқтисодиèтни тартибга солишнинг зарурлиги деярли барча иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда. Таъкидлаш лозимки, бундай эътироф узоқ йиллар давомида мазкур муаммога нисбатан турли илмий мактаб ва йўналишлар ҳамда амалиèтчиларнинг ўзаро кескин ва зиддиятли қарашлари, èндашувларининг тадрижий кураши асосида шаклланди. Давлатнинг иқтисодий ролини турлича илмий мактаблар (меркантилистлар, физиократлар, классик мактаб,

кейнсчилар, институционализм, неоконсерваторлар, неолиберализм ва бошқ.) томонидан бу борада илгари сурилган ғоя ва таълимотларининг тизимли таҳлили асосида ўзаро фарҳланувчи (инкор этилган, чекланган ва кенг эътироф этилган) ѐндашувлар тизими сифатида ифодалаш мумкин.

Тадқиқотлар хозирга қадар иқтисодиетни давлат томонидан тартибга солиш жараенларининг объектлари аник тизимга солинмагани, бу борадаги мавжуд ендашувлар ўзаро кескин фаркланишини кўрсатади. Шунга кўра, иктисодиетни давлат томонидан тартибга солиш сохаларини ажратишда, турли манбалардаги мавжуд таснифлашларни умумлаштирган холда, унинг куйидаги асосий йўналишлари гурухланди: иктисодий жараенларни тартиблаш; тартиблаш; иктисодиетнинг муайян сохаларини иктисодиетнинг турли тартиблаш; тармоқларини тартиблаш: иктисодий фаолият турларини иктисодиетнинг алохида секторларини тартиблаш; ижтимоий такрор ишлаб чиқариш фазаларини тартиблаш ва хоказо. Мазкур йўналишлар бўйича иктисодиетни давлат томони-дан тартибга солиш сохаларининг гурухлаб чиқилиши натижасида мазкур жараеннинг муайян, изчил тизим ва мазмунга эга кўриниши шакллантирилди.

Жахондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик бизнесни тартибга солиш мазкур сохадан давлатнинг мухим вазифалари муносабатларини (жумладан, бозор чуқурлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, иктисодиетнинг таркибий тузилмасини такомиллаштириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш кабилар)ни амалга оширишда ўзига хос самарали восита ва дастак сифатида фойдаланиш жиҳатидан ташкил этилиши зарур. Шу билан бирга, кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг фаолият ва танлов эркинлиги, мустақил хўжалик юритиш, ташаббускорлик, иқтисодий манфаатдорликнинг устуворлиги каби тамойиллар билан зид келмаслиги, яъни унинг мотивацион жихатларига путур етказмаслиги мухим хисобланади.

Бу ўринда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш объекти сифатида намоѐн бўлишининг асосий сабабларидан бири — унинг жамият ижтимоий-иктисодий баркарорлигини таъминлашда жуда катта салоҳиятга эга бўлгани ҳолда, номукаммал рақобат шароитида ўз имкониятларини тўлик намоѐн этишда фаолият кўламининг чекланганлиги билан боғлиқ объектив омилларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Мазкур соҳанинг самарали фаолиятини таъминлаш, унинг тўлақонли амал қилиши ва ривожланишига тўсқинлик қилувчи омилларни бартараф этиш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ўз мазмун ва мақсадларига кўра иктисодиѐтни давлат томонидан тартибга солиниши жараѐнларининг узвий қисми ҳисобланади.

Кичик бизнесни тартибга солиш самарадорлиги унинг алохида соҳа сифатидаги мезонларининг аниклик даражасига боғлиқ. Маълумотларга кўра, бу борада дуненинг 75 дан ортик мамлакатида 50 дан ортик турли микдор (масалан, ишловчилар сони, капитал ҳажми, йиллик айланма ҳажми ва бошқ.) ва сифат (масалан, муайян тармоққа мансублик, мулк ва бошқарувнинг ягона шахсда

15

мамлакатларда кичик бизнес субъектлари мезонларининг белгиланишини ҳар доим ҳам бир ҳил даражада аниқ ва муваффақиятли деб бўлмайди. Улар орасида энг кенг қўлланиладиган миқдорий тавсифдаги кўрсаткич корхонанинг ишловчилар сони жиҳатидан мезони ҳисобланиб, ундан фойдаланиш борасида айрим мунозарали қарашлар мавжуд бўлсада, бироқ у ўзининг аниқлиги, амалий қўллаш учун соддалиги, қолган кўрсаткичларни ҳам белгилаб бериши, ҳалқаро таққослашларни амалга ошириш учун қулайлиги билан ажралиб туради. Аммо, агар ҳар қандай мезонни қўллашнинг назарий асосларига таянилмаса, юқорида келтирилган аниқлик ва қулайликларнинг фойдалилик даражаси пасайиб кетиши мумкин.

Тахлиллар кўрсатадики, кичик бизнеснинг ишловчилар сони жиҳатидан мезонларини белгилашда кўп ҳолатларда унинг назарий асослари эътибордан четда қолмоқда. Натижада турли мамлакатларда қўлланилаѐтган мезонлар «куруқ» статистик аҳамият касб этиб, кичик бизнес соҳасининг иқтисодий моҳиятини акс эттира олмайди. Шунга кўра, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият самарадорлигига таъсир этувчи жиҳатларни намоѐн этувчи турли назарий-услубий қоидаларнинг тизимли тадқиқи асосида кичик бизнеснинг ишловчилар сони жиҳатидан мезонларини белгилашда эътиборга олиниши лозим бўлган 3 та ѐндашув тавсия этилди.

Биринчи ёндашув: ишчи кучининг сўнгги қўшилган махсулотидан келиб чиққан ҳолда белгилаш. Ушбу ѐндашувда корхонадаги ишловчилар сони ишчи кучининг сўнгги қўшилган маҳсулоти миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Ишчи кучининг сўнгги қўшилган маҳсулоти (MPL — marginal product of labor) — ишчи кучининг қўшимча бирлигидан фойдаланиш натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қўшимча миқдоридан иборат. Маълумки, ишлаб чиқариш омиллари назариясига кўра, ҳар қандай омилдан олинувчи қўшимча тушумлар ундан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақдан катта бўлган ҳолдагина фойда ҳажмини оширади. Ушбу қоидадан келиб чиқкан ҳолда, кичик бизнес субъектлари томонидан ишловчиларни ѐллаш навбатдаги ишчи кучи бирлиги қўшимча фойда келтирмай қўйгунга қадар, яъни қўшимча тушум иш ҳақи миқдорига тенг бўлган даражагача пасайгунга қадар давом этиши лозим.

Иккинчи ёндашув: «корхонанинг минимал самарали кўлами» концепциясига кўра белгилаш. Мазкур ендашувда минимал самарали ҳажм концепциясига асосланилиб, бу ҳажм фирма ўзининг узоқ муддатли ўртача харажатларини минималлаштириши мумкин бўлган ишлаб чиқаришнинг энг кичик ҳажмини намоен этади. Мазкур концепциянинг мазмуни кўплаб адабиетларда баен этилган¹. Кичик бизнесда банд бўлганлар сонининг узоқ муддатли ўртача харажатлар энг минималлашган чегарада бўлиши корхона фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш имконини беради.

Учинчи ёндашув: корхона ходимлари сонини «функционал жихатдан

комплектлаш» концепциясига кўра белгилаш. Мазкур ѐндашувга кўра, кичик бизнес корхонаси учун белгиланган ишловчиларнинг минимал сони, ушбу  $-^1$  Қаралсин: Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. Пер. с англ. изд. – М.: инФРА-М, 2003. - С.497-498.

16

корхонанинг фаолият хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, мавжуд лавозим ва вазифаларнинг ходимлар билан тўлиқ таъминланиши учун имконият яратмоғи зарур.

Давлат томонидан кичик бизнеснинг ишловчилар сони жиҳатидан мезонларини белгилашда улардаги мавжуд лавозим ва вазифаларнинг ходимлар билан тўлиқ ва етарли даражада таъминланганлигини эътиборга олмаслик пировардида мазкур соҳа корхоналарининг ишлаб чиҳариш самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунга кўра, давлат томонидан белгиланган миҳдорий мезонлар иҳтисодиѐтнинг турли соҳа ва тармоҳларидаги кичик бизнес корхоналарининг фунҳционал жиҳатдан ходимлар билан таъминланишига имкон бериш даражасини ҳуйидаги формула орҳали аниҳлаш маҳсадга мувофиҳ:

$$= -\sum_{i=1}^{n} \geq KMB_{i}. (1)$$

Бунда:

K — давлат томонидан белгиланган ишловчилар сони жиҳатидан мезоннинг кичик бизнес корҳоналарининг функционал жиҳатдан ходимлар билан таъминланишига имкон бериш даражаси;

M — кичик бизнес корхоналаридаги ишловчилар сонининг давлат томонидан белгиланган юқори чегараси;

 $B_i$  – муайян типдаги корхона ходимларининг i-лавозим  $\dot{e}$ ки вазифалар бўйича сони.

Кичик бизнес субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш борасидаги назарий коидалар ва амалий тажрибаларнинг тахлили шуни кўрсатадики, соханинг тарақкий этиб бориши билан унинг ривожланганлик даражасига мувофик келувчи тартибга солишнинг турли йўналишлари, восита ва усулларидан фойдаланиш максадга мувофик.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда кичик бизнеснинг ривожланиши ва уни давлат томонидан тартибга солиш ташкилий-иктисодий асосларининг такомиллашуви» деб номланган иккинчи бобида кичик бизнес субъектларини белгилаш мезонининг такомиллашув боскичлари, сохани давлат томонидан тартибга солиш чоралари ва натижалари, тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказишни такомиллаштириш, кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун кулай ишчан мухитнинг яратилиши жараѐнлари тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда мустақиллик давридан бошлаб кичик бизнесни

ижтимоий-иктисодий тараққиет ривожлантириш стратегиясининг йўналишларидан бирига айланди. Кичик бизнесни ривожлантириш мамлакатда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш хусусийлаштириш, ўрта мулкдорлар қатламини таркиб иктисодиетни эркинлаштириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш каби мухим стратегик ислохотлар билан узвий равишда амалга оширилди. Мазкур ислохотларнинг мазмун-мохиятига мос равишда бизнеснинг кичик мезонларини белгилаш жараенлари такомиллаштириб борилди.

Диссертацияда кичик бизнеснинг асосий фаолият кўрсаткичларини сохадаги мезонга оид ўзгаришлар таъсиридан холи тарзда тахлил қилишни

17

таъминлаш мақсадида бир хилдаги микдорий чегаралар амал қилган даврлар алоҳида босқичларга (І босқич — 1992-1995 йиллар; ІІ босқич — 1995-1998 йиллар; ІІІ босқич — 1998-2003 йиллар; ІV босқич — 2003-2011 йиллар; V босқич — 2011 йилдан ҳозирги вақтгача) ажратиб олинди ҳамда улардаги ривожланишнинг асосий тенденциялари очиб берилди.

Тахлиллар кўрсатадики, кейинги босқичларда тадбиркорлик фаолияти учун қулай ишчан мухитни яратишга алохида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва самарали амалга оширишга қаратилган тизимли шарт-шароитлар қаторида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараенларини такомиллаштириш мухим ўрин тутади.

Ўзбекистондаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ташкилий-хукукий жараѐнларининг тадкики асосидаги хулосаларнинг назарий платформага ўтказилиши уларни илмий мушохадалаш имконини яратди. Бунга кўра, тадбиркорлик субъектларини ташкил килиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш энг аввало тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ғоянинг пайдо бўлиши, бу борадаги имкониятларнинг ўрганилиши, зарур хужжатларнинг тайѐрланиши ва тегишли рўйхатга олиш идоралари (ТСРОИ)га мурожаат килишдан тортиб, то уни давлат рўйхатидан ўтказилгунгача бўлган даврни, яъни тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва рўйхатга олиш жараѐнининг умумий даврини камраб олади (1-расм).

Тартибга солинмайдиган босқич Тартибга солинадиган босқич имкониятларини тайёрлац ТСРОИга

ўрганиш Гоя Амалга ошириш Хужжатларни тайёрлаш<sup>ТСРО</sup>Ига мурожаат қилиш Рўйхатга олиш жараёни Тадбиркорлик субъектини рўйхатга олиш

1

Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва руйхатга олиш жараёнининг умумий даври1-расм. Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва руйхатга олиш жараѐнларининг тартибга солиш жихатидан боскичлари $^1$ .

1-расмдан кўринадики, назарий-услубий жихатдан умумий даврни икки — тартибга солинадиган ва тартибга солинмайдиган боскичларга ажратиш мумкин. Тартибга солинадиган боскич мутассади тузилмалар томонидан

тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўйича муайян хатти-ҳаракатлар учун аниқ вақт белгилаб берилган жараѐнларни ўз ичига олади. Тартибга солинмайдиган босқичдаги жараѐнлар тадбиркор ѐки таъсисчиларнинг ўз ихтиѐрига кўра амалга ошириладиган чора-тадбирлардан иборат бўлади.

Фикримизча, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишни соддалаштириш, шу жумладан муддатларини қисқартиришда имкон қадар тадбиркорлик субъектларини кўпроқ ташкил этишни рағбатлантириш нуқтаи назаридан ѐндашиш зарур. Зеро, «Бизнинг яна бир мухим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, -1 Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

18

мамлакатимиз иктисодий кудратини, юртимизда тинчлик ва баркарорлик, ижтимоий тотувликни мустахкамлашдан, бу соха улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат»<sup>1</sup>. Бунинг учун тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш борасидаги ғояларни қўллаб-қувватлашдан бошлаб, уларни амалга ошириш имкониятларини ўрганиш хамда тегишли хужжатларни тайерлашгача бўлган жараенларни сифатли ва киска муддатларда бажарилишини таъминловчи махсус инфратузилма хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва ўз хизмати сифати учун масъуллик механизмини кучайтириш таклиф этилади. Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва рўйхатга олиш жараенларини томонидан тартибга солиш чегараларини кенгайтириб, такомиллашувига олиб келади.

Диссертациянинг «Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий ривожлани шида кичик бизнес салохиятидан фойдаланиш даражасини ошириш» деб номланган учинчи бобда кичик бизнес фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда имтиезлардан самарали фойдаланиш, янги иш ўринларини яратиш ва ахоли даромадини ошириш борасида кичик бизнес сохасини давлат томонидан кўллаб-кувватлаш (рағбатлантириш) механизмлари, кичик бизнес субъектлари нинг таркибий тузилмасини такомиллаштириш йўналишлари тадқиқ этилган.

Кичик бизнес субъектларига бериладиган имтиèз ва преференцияларнинг мазмуни, самарадорлиги ва микдорий чегараларини белгилашнинг назарий услубий асосларини баèн этишда уларнинг асосий жиҳатларини ифодалашга формализацион èндашиш мақсадга мувофиқ (1-жадвал).

1-жадвал

#### Кичик бизнес субъектларига давлат томонидан имтиѐзлар бериш шарт-шароитларини ифодалашга формализацион ѐндашув²

Кичик бизнес субъектлари фаолиятининг йирик корхоналарга нисбатан иктисодий жихатдан тенг булмаган шарт-шароитлари:

$$ec_{bb} > ec_{sb}$$

 $ec_{bb}$  – йирик корхоналар фаолиятининг иктисодий шарт-шароитлари;

 $ec_{sb}$  – кичик бизнес субъектлари фаолиятининг иктисодий шарт-шароитлари.

Кичик бизнес субъектларига компенсацияловчи имтиезлар такдим этилиши натижасида улар фаолиятининг йирик корхоналар фаолияти иктисодий шарт-шароитлари билан бирхиллашуви:

$$ec_{bb} = ec_{sb} + p_{comp}$$

 $p_{comp}$  - компенсацияловчи имтиѐзлар.

Иктисодиетнинг устувор тармок ва сохаларида кичик бизнеснинг салохияти ва ижобий самараларидан имкон кадар кенгрок фойдаланишни таъминлаш максадида устунлик берувчи имтиезлар берилиши натижасида кичик бизнеснинг фаолият юритиш шарт-шароитларининг бошка йирик корхоналар шароитларига нисбатан кенгайиши:

$$ec_{bb} < ec_{sb} + p_{comp} + p_{pr}$$

 $p_{pr}$  - устунлик берувчи имтиѐзлар.

- Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Шавкат Мирзиѐевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қушма мажлисидаги нутқи // Халқ сузи, 2016 йил 15 декабрь, №247 (6682).

19

Энг аввало, мазкур имтиезлар беришнинг объектив зарурлиги, бир томондан, иктисодиетдаги барча хужалик юритувчи субъектлар учун тенг иктисодий шароит яратиш борасидаги давлатнинг уз вазифасини бажариши, бошка томондан, хужалик юритишнинг мухим шакли сифатидаги кичик бизнеснинг узига хос ижтимоий-иктисодий афзалликларга эгалиги оркали изохланади.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, кичик бизнес субъектлари учун бериладиган имтиѐзлар миллий иктисодиѐтга келтириши мумкин бўлган самара ҳажми муайян чегарага ҳадар ўсиб бориб, ўзининг энг юҳори ҳажмига етгач, имтиѐзлар ҳажмининг янада ошиб бориши билан миллий иҳтисодиѐтга келувчи самара ҳажми пасайиб боради. Бироҳ, мазкур натижа имтиѐзларнинг ҳаддан ташҳари юҳори чегарасида кичик бизнес субъектлари фаолияти миллий иҳтисодиѐтга умуман самара келтирмайди, деган маънони англатмайди. Балки, ушбу соҳа келтирадиган иҳтисодий самара асоссиз ва меъѐрдан ортиҳ берилган имтиѐзлар оҳибатида миллий иҳтисодиѐтда вужудга келувчи йуҳотишларга нисбатан кичрайиб боради ва маълум чегарада умуман барҳам топади.

Мамлакатдаги ишчи кучи бандлигини таъминлаш ва ахоли даромадларини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик катта салохиятга эга бўлиб, ундан тўлик ва самарали фойдаланиш иктисодий сиесатнинг марказий бўгинини ташкил этади. Чунки, кичик бизнес корхоналари ташкил топиш жараенининг енгиллиги, уларнинг капитал сигими паст бўлган янги иш ўринларини тезлик билан ташкил этишга кодирлиги, ишчи кучини еллашда микдор самарасининг амал килиши, ишга еллаш ва мехнат килишнинг мослашувчан шарт-шароитлари кенг таркалганлиги (тўликсиз иш куни еки хафтаси, мехнатнинг ўзгарувчи графиги, ўриндошлик ва х.к.) каби ўзига хос жихатлари ишчи кучи бозоридаги талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

хамда ахоли даромадларини ошириш борасида қўшимча имкониятларни ишга солади.

Бозор иктисодиетининг тез ўзгарувчан шароитида, айникса, иктисодиетда таркибий ўзгартириш ва модернизациялаш жараенлари таъсирида ялпи ишчи кучи талаби ва таклифи таркибида вужудга келувчи ўзаро номувофикликни қисқартиришда Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги Касбий таълим ва қайта тайерлаш маркази фаолияти мухим ўрин тутади. Бирок, амалий тажриба шуни кўрсатадики, мазкур таълим марказларида қайта тайергарликдан ўтган ишчи ва мутахассисларни кичик бизнес субъектлари томонидан ишга қабул қилиш етарли даражадаги бандликни таъминламаслиги мумкин. Чунки, бу холатда хали янги касб еки ихтисослиги буйича муайян тажрибага эга булмаган ходимнинг мехнат унумдорлиги паст бўлиши сабабли корхона эгаси уни ишга қабул қилишни хоҳламаслиги мумкин. Шунга кўра, Таълим марказлари томонидан тайерланган ва қайта тайерланган ишчи ва мутахассисларни ишга еллашни рағбатлантирувчи иқтисодий механизмни жорий этиш таклиф этилади (2-расм).

Шунингдек, ишсизларни касбга ўкитиш ва кайта тайерлаш бўйича Давлат дастурида белгиланган микдорини худудлар бүйича таксимлаш услубиетини такомиллаштириш мақсадға мувофиқ. Бунда ишсизлик даражаси, аҳоли

20 таркибида ешлар ва аеллар сони, экспортга махсулот (хизмат) ишлаб чикаришни янада ривожлантириш зарурати ва имконияти, ахоли таркибида кам таъминланган, ижтимоий химояга мухтож фукаролар сони нисбатан юкори бўлган худудларга устуворлик бериш лозим.

Касбий таълим ва Устувор сохалар бўйича кадрлар қайта тайѐрлаш тайёрлаш ва қайта тайёрлаш маркази

ишчи,

БАНДЛИККА КЎМАКЛАШИШ ЖАМҒАРМАСИ

МУТАХАССИС

М≥16 ой ИТ =4 ой;

Шартнома муносабати М=16 ой

Шартнома асосида ёлланган ходимнинг иш хақи ва ижстимоий

Муайян

*YT* ≥ 12 oŭ

 $\mu = \lim_{n \to \infty} k = \frac{1}{n}$ 

ёлланган

Шартнома тўлови асосида

ишга ёллаш ходимнинг

иш хақи

Асосий ходимлар ягона ижтимоий тўлови

КОРХОНА

 $M = 4 o \ddot{u}$ 

Имтиёз асосида ёлланган ходимлар ягона ижтимоий

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

тўлови

#### Корхона миқёсидаги самара: Жамият миқёсидаги самара:

$$n \times M \times HX + HX \times K_T$$
  $n \times M \times HX + HX \times K_T + n \times HH$ 

2-расм. Касбий таълим ва қайта тайèрлаш марказларида тайèрланган ходимларни ишга èллашни рағбатлантирувчи иқтисодий механизм<sup>1</sup>.

Жамғарма томонидан юқорида белгиланган устуворликларни ҳисобга олган ҳолда касбга ўқитиш ва ҳайта тайèрлаш кўзда тутилган ходимлар сонини ҳудудлар бўйича тақсимлашда қуйидаги ҳисоблаш усулидан фойдаланиш тавсия этилали:

$$X_i = \left(\frac{yc}{xc}\right) \times \prod_{j=1}^n M_j$$
 (2)

Бунда:

 $X_i$  – і худуд учун касбга ўқитиш ва қайта тайерлаш бўйича ажратиладиган ўринлар сони; i – мамлакатдаги муайян худудлар;

VC – мамлакат бўйича йил давомида касбга ўкитиш ва қайта тайерлаш бўйича ажратилган ўринлар умумий сони;

XC – мамлакатдаги худудлар сони;

U – кўрсаткични аниклашда хисобга олинувчи омиллар индекси;

j – кўрсаткични аниқлашда хисобга олинувчи муайян омил.

21

Ўзбекистонда 2030 йилга бориб ЯИМ ҳажмини 2 баробарга ошириш вазифасини ҳал қилишда кичик бизнес имкониятларидан фойдаланиш марказий ўрин тутади. Шунга кўра, кичик бизнес субъектлари сони ва ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир кўрсатувчи омилларнинг эконометрик моделини қуриш муҳим ҳисобланади (2- ва 3-жадвал).

2-жадвал

#### Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналари махсулот (хизмат) ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик модели натижалари

Боғлиқ ўзгарувчи (Dependent Variable): Кичик бизнес корхоналари махсулот (хизмат) ишлаб чиқариш ҳажми LOG(Y)

Метод (Method): Жамланма энг кичик квадратлар усули (Panel Least Squares)

Танланма (Sample): 2011-2014

Жами кузатувлар сони ( Total panel (balanced) observations ): 56

Ўзгарувчилар

(Variable)Коэффициент

(Coefficient) Станд. хатолик

 $(Std. Error)^{T-статистика}$ 

(t-Statistic) Эхтимоллик

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> - Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Константа (С) -13.06115 4.311490 -3.029383 0.0043 Хар минг кишига тўғри келадиган

инвестиция ўртача хажми  $LOG(X1)^{0.480374}$  0.060775 7.904128 0.0000

Кичик бизнес корхоналари сони <u>LOG(X2)</u>

1.997408 0.460399 4.338425 0.0001 Effects Specification

Cross-section fixed (dummy variables) R<sup>2</sup>

(R-squared)0.944919 Боғлиқ ўзгарувчи ўртачаси Мослашган  $R^2$ 

Mean dependent var 8.087979

(Adjusted R-squared)0.924264 Стандарт оғиш

(S.D. dependent var)<sup>0.568171</sup>

Регр. станд. хатолиги

(S.E. of regression) 0.156362 Акаике мезони

(Akaike info criterion)-0.638334

Қолдиқлар квадратлари

(Sum squared resid)0.977959 Шварц мезони йиғиндиси

Логорифмик хакикитга якинлик (Log likelihood) F-статистика

(Hannan-Quinn criter.) -0.413984

(Schwarz criterion)-0.059662

33 87335 Ханна-Куин мезони

(F-statistic) 45.74719 Дарбин-Уотсон статистикаси

Durbin-Watson stat 1.927699

Эхтимоллик (F-стат.)

Prob (F-statistic) 0.000000

2-жадвалда келтирилган ҳисоб-китоб натижалари асосида кўп омилли регрессион модель қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$Y = -13.06115 + 0.4804x1 + 1.9974x2 (3)$$

Маълумотлардан кўринадики, ҳар минг киши аҳоли сонига тўғри келадиган инвестицияларнинг ўртача ҳажмининг 1 фоизга ошиши кичик бизнес субъектлари томонидан яратиладиган товарлар ва хизматлар ҳажмининг 0,48 фоизга ошишига олиб келади. Айни пайтда, кичик бизнес корхоналари сонининг 1 фоизга кўпайиши улар томонидан яратиладиган товарлар ва хизматлар ҳажмининг 2 фоизга ошишига олиб келади.

3-жадвалда келтирилган ҳисоб-китоб натижалари асосида қуйидаги регрессион моделга эга бўлдик:

$$Y = 3.535469 + 0.843160X1 - 0.183345X2 + 0.219225X3$$
 (4) Жадвал маълумотларидан кўринадики, моделда мехнат ресурслари

22

сонининг 1 фоизга ошиши кичик бизнес субъектлари сонининг 0,84 фоизга

ошишига олиб келади. Айни пайтда, кишлок ахолиси улушининг 1 фоизга кўпайиши кичик бизнес субъектлари сонининг 0,18 фоизга камайишига олиб келади. Шунингдек, йирик корхоналар сонининг 1 фоизга кўпайиши кичик бизнес субъектлари сонининг 0,21 фоизга кўпайишига олиб келади.

3-жадвал

#### Узбекистонда кичик бизнес корхоналари сонига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик модели натижалари

Боғлиқ ўзгарувчи (Dependent Variable): Кичик бизнес субъектлари сони LOG(Y)

Метод (Method): Энг кичик квадратлар усули (Least Squares)

Кузатувлар сони (Included observations): 161

Ўзгарувчилар

(Variable)Коэффициент

(Coefficient)Станд. хатолик

(Std. Error) Т-статистика

(t-Statistic) Эхтимоллик (Prob.)

Константа (С)  $3.535469\ 0.408688\ 8.650774\ 0.0000$  Мехнат ресурслари сони LOG(X1) 0.843160 0.063716 13.23308 0.0000 Кишлок ахолиси улуши

LOG(X2) -0.183345 0.083911 -2.185001 0.0308 Йирик корхоналар сони

LOG(X3) 0.219225 0.054640 4.012144 0.0001 R<sup>2</sup>

(R-squared)0.689845 Боғлиқ ўзгарувчи ўртачаси

Мослашган R<sup>2</sup>

Mean dependent var 6.627478

(Adjusted R-squared)0.682155 Стандарт оғиш

(S.D. dependent var)0.581818

Регр. станд. хатолиги

(S.E. of regression) 0.328016 Акаике мезони

(Akaike info criterion) 0.639966

Қолдиқ квадратлар йиғиндиси

(Sum squared resid)13.01890 Шварц мезони

(Schwarz criterion) 0.730472

якинлик (Log likelihood) -35.99786 Ханна-Куин мезони Логорифмик хакикатга F-статистика

(Hannan-Quinn criter.) 0.676734

(F-statistic)89.70926 Дарбин-Уотсон статистикаси

Durbin-Watson stat 1.857633

Эхтимоллик (F-стат.)

Prob (F-statistic) 0.000000

Таъкидлаш лозимки, кичик бизнес корхоналари сонини ўстиришнинг ўзи соханинг иктисодий салохиятини тегишли даражада кенгайтирмайди. Иктисодий салохиятни кенгайтириш кичик бизнеснинг технологик ва тармок жихатидан таркибий тузилмасини такомиллаштириш, хусусан, илгор техника ва технологиялардан фойдаланиб, замонавий талабга жавоб берувчи тайер махсулот ишлаб чикарувчи, инновацион лойиха ва ишланмаларни амалга оширувчи кичик корхона ва микрофирмаларни устувор даражада ривожлантириш билан боғлиқ (3-расм).

Расмдан куринадики, кичик бизнеснинг ривожланишида табиий ривожла ниш хамда таркибий ўзгартириш даврларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Табиий ривожланиш даврида кичик бизнес субъектлари давлатнинг тартибга солиш таъсирисиз, эркин ракобат ва иктисодий манфаатдорлик шароитида фаолият кўрсатади ва таркибий тузилмаси шаклланади. Бунда унинг мамлакат ижтимоий-иктисодий баркарорлигига кушаетган хиссаси хам, соханинг мавжуд иқтисодий салохиятидан келиб чиққан холда, ўзининг табиий даражасини намоен этади. Бирок, кичик бизнес субъектлари сони ошиб бориши билан рақобат даражасининг ҳаддан ташқари кучайиши кичик бизнес табиий

иқтисодий салоҳияти ( $TUC_{KE}$ )нинг нисбатан пасайиб бориши ҳамда, бунинг натижасида, ижтимоий-иктисодий баркарорликка кушилаетган табиий хисса  $(TEX_{KE})$ нинг хам пасайишига олиб келади.

23

*Давлатнинг* Табиий ТБХ<sub>КБ</sub> ривожланиш даврида барқарорликка қўшилган *ЎИС*<sub>КБ</sub> Кичик бизнес Табиий ривожланиш  $TИC_{KB}$ давридаги КБ иқтисодий салохияти КБ иқтисодий салохияти тартибга солиш нинг кенгайиши самараси ЎБҲ<sub>кь</sub>

субъектлари сони Табиий ривожланиш даври Таркибий ўзгартириш даври Шартли

#### белгилар:

 $TUC_{KB}$ - кичик бизнеснинг табиий иқтисодий салохияти;

 $УИС_{KB}$ - кичик бизнес иктисодий салохиятининг ўзгартирилган даражаси;

 $TБX_{KB}$ - кичик бизнеснинг ижтимоий-иқтисодий барқарорликка қушаетган табиий хиссаси;  $Y\!E\!X_{\!\scriptscriptstyle K\!E}$ - кичик бизнесни ижтимоий-иқтисодий барқарорликка қyшаeтган хиссасининг yзгартирилган даражаси.

#### 3-расм. Кичик бизнес таркибий тузилмасини такомиллаштириш оркали ижтимоий-иктисодий баркарорликнинг таъминланиши $^{1}$ .

Бундай салбий холатни олдини олишнинг окилона йўли – давлат томонидан кичик бизнес таркибий тузилмаси шаклланишини тартибга солиш хисобланади. Яъни кичик бизнес субъектлари таркибий тузилишини тармок ва технологик жихатидан тартибга солиш соха иктисодий салохиятининг ўзгартирилган даражаси ( $reve{yu}C_{KE}$ )ни хамда соха томонидан мамлакат ижтимоий иқтисодий барқарорлигига қушилаетган хиссанинг узгартирилган даражаси  $(\tilde{Y} E X_{KE})$ ни таъминлаш имконини беради.

Диссертациянинг «Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш иқтисодий механизмларини такомиллаштириш» деб номланган туртинчи бобида кичик бизнес фаолиятини тартибга солишда пул-кредит усулларидан фойдаланиш, кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солиш, уларнинг инновацион ғоялар ва технологияларни амалиетта жорий этишдаги иштирокини фаоллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишда пул-кредит сиèсатидан фойдаланиш муҳим бӱлиб, мазкур тадқиқот ишида пул таклифини тартибга солиш борасидаги айрим тадбирларнинг кичик бизнес субъектларига таъсири кӱриб чиқилган. Хусусан, давлат пул-кредит сиèсатининг таъсири турли кӱламдаги, яъни йирик хӱжалик юритувчи субъектлар ва кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятига турлича таъсир қилиши асослаб берилган (4-расм).

<sup>1</sup>Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

қўлланилмаган холат

24

ТЙКэмс ТКБэмс

таъсири

 $T \Breve{U} K_{PMC}$ — экспансионистик ва рестрикцион монетар сиѐсат таъсирида йирик ху́жалик субъектларига ажратилаѐтган кредит ҳажми;

 $TKE_{ЭМС}$   $TKE_{PMC}$ — экспансионистик ва рестрикцион монетар сиèсат таъсирида кичик бизнес субъектларига ажратилаèтган кредит ҳажмига тўғри (параллел) проекция;

 $TKE-H\Pi_{ЭМС}$  $TKE-H\Pi_{PMC}$ — экспансионистик ва рестрикцион монетар сиѐсат таъсирида кичик бизнес субъектларига ажратилаѐтган кредит ҳажмига нотўғри (оғма) проекция; I — тижорат банклари томонидан йирик ҳўжалик субъектлари ва кичик бизнес субъектларига ажратилган кредит ҳажми ўртасида тафовут ҳолати;

- 2 монетар сиѐсатнинг барча иктисодий субъектларга таъсири бир хилда бўлган холатда кредит хажмида вужудга келувчи тўғри (параллел) проекция;
- 3 монетар сиѐсатнинг кичик бизнес субъектларига таъсирининг ўзига хос тавсифи холатида кредит хажмида вужудга келувчи нотўғри (оғма) проекция.

4-расм. Пул-кредит сиѐсати орқали таъсирнинг тадбиркорлик турли секторлари буйича фаркланиши<sup>1</sup>.

Расмдан кўринадики, давлат пул-кредит сиѐсатининг кичик бизнес субъектларига таъсири турли шарт-шароитларда турлича натижаларга олиб келиши мумкин. Мамлакатда пул-кредит сиѐсати дастакларининг иктисодиѐтни тартибга солиш борасидаги мавжуд салохиятидан тўлик фойдаланилмаслик ўз ўрнида кичик бизнес субъектлари фаолиятини тартибга солиш самарадорлигига хам таъсир кўрсатади. Бу борадаги маълумотлар тахлилига кўра, тижорат банклари томонидан иктисодиѐтга ажратилган кредитлар хажми ва, тегишли равишда, уларнинг ялпи ички махсулотга нисбатан солиштирма салмоги кўпайиб бормокда (2011-2015 йилларда олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати тегишли равишда 136,5%; 129,9%; 129,9%; 131,3%; 122,7% ни ташкил этган). Худди шундай манзарани кичик бизнес субъектлари учун ажратилган кредитлар хажмида хам кузатиш мумкин: мазкур кўрсаткичнинг олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати 2011 йилда 148,1%, 2012 йилда 132,5%, 2013 йилда 132,1%, 2014 йилда 131,4%, 2015 йилда 131,5% ни ташкил этган.

Ушбу рақамлар тижорат банкларининг ўртача йиллик фоиз ставкасининг пасайиши билан иктисодий субъектларга ажратилаетган банк кредитлари

ҳажмининг ошиб бораѐтганлигини кўрсатади. Бирок, шунга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимки, 2012 йилда мамлакатимизда тижорат банкларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси ўсган шароитда ҳам кредит ҳажмининг юқори суръатларда ошиши мазкур жараѐнларнинг монетар сиѐсат дастакларидан кўра кўпроқ давлатнинг бевосита қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари таъсирида рўй бераѐтганини англатади. Яъни, кичик бизнес субъектлари учун кредит линияларининг очилиши, имтиѐзли кредитлаш дастурлари ва бошқа чоралар ажратилаѐтган кредитлар ҳажмининг бир маромда ўсиб боришини таъминламокда.

Кичик бизнес субъектларининг ташқи савдо фаолиятдаги иштироки йирик корхоналарга қараганда сезиларли даражада чекланади. Бунга сабаб – экспортга мўлжалланган йирик товар ишлаб чиқарувчи томонидан олинувчи микèсдан ижобий самара, маҳсулот бирлигига тўғри келувчи доимий харажатлар ва трансакцион харажатлар қийматининг нисбатан пастлиги йирик корхоналар маҳсулотлари таннархини пасайтириб, бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектларига нисбатан рақобатдошлик даражасини оширади. Демак, бундан кўринадики, кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини таъминлаш учун уларга давлат томонидан таъсир, яъни қўллаб қувватлаш зарур бўлади (5-расм).

Давлат таъсири 25

<sup>-1</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Махсулот бирлиги таннархи (экспорт харажатлари билан)

Махсулот бирлиги таннархи (экспорт харажатларисиз)

Махсулот ишлаб Кичик бизнес чиқариш хажми субъектлари Йирик бизнес субъектлари

### 5-расм. Кичик бизнеснинг экспортдаги иштирокини давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлиги<sup>1</sup>.

Чизмадан кузатиладики, юқорида санаб ўтилган омиллар таъсирида кичик бизнес субъектлари билан йирик бизнес субъектлари маҳсулот бирлиги таннархи кескин фарқ қилади. Жумладан, агар йирик бизнес субъектлари маҳсулот ишлаб чиқаришининг ҳар қандай ҳажмидаги таннархи ички бозордаги нарх даражасидан паст, яъни ишлаб чиқариш рентабелли бўлса, кичик бизнес субъектларининг аҳамиятли қисми шундай ҳолатга эришади (A чегара). Бироқ, кичик корхоналар маълум қисмининг ички бозордаги (экспорт -1 Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

26

харажатларисиз) махсулот бирлиги таннархи нарх даражасидан юкори бўлади (В чегара). Ушбу фарк одатда давлатнинг кўллаб-кувватловчи ердами хисобига «компенсацияланади». Бирок, мазкур фарк ташки бозорга чикиш билан ахамиятли даражада кучаяди (С чегара). Шунга кўра, бу холатда давлатнинг ахамиятли даражадаги тартибловчи дастаклари такозо этиладики, уларнинг таъсирида кичик бизнес субъектларининг экспорт харажатларини ўз ичига олувчи махсулот бирлиги таннархи ташки бозордаги нарх даражасидан паст бўлиши лозим. Айнан шу холдагина кичик бизнес субъектларида экспорт жараенларида иштирок этишга рағбат хосил бўлади.

Назарий-услубий тахлил натижалари кичик бизнес субъектлари махсулотларини ташки бозорга самарали тарзда экспорт килиш имконини берувчи ишлаб чикариш хажми чегараси хам мавжудлигини кўрсатади (D чегара). Ушбу чегаранинг вужудга келиши кичик бизнес субъектларининг ўз махсулотларини ташки бозорга самарали тарзда экспорт килиши мумкин бўлган куйидаги холатлар оркали таъминланади:

- 1) махсулот ѐки хизматнинг ўз табиати, технологик хусусиятларига кўра асосан кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилишининг мақсадга мувофиқ бўлиши. Масалан, хунармандчилик буюмлари, қишлоқ хўжалиги махсулоти, хизматларнинг айрим турлари, ноѐб тавсифдаги махсулотлар ва ҳ.к. Бундай ҳолатда уларнинг йирик корхона шаклидаги рақобатчиси мавжуд бўлмайди;
  - 2) махсулотга бўлган ташқи талабни йирик ишлаб чиқарувчилар тўлик

қондира олмаган ҳолат. Бунда таннархи нисбатан баландроқ бўлган кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳам юқори даражадаги ташқи нархларда сотилиши мумкин;

3) айрим махсулот турларининг йирик корхоналарда ишлаб чиқарилиши рентабелли ва самарали бўлмаслиги. Бундай холат кичик корхона учун ташқи бозорда майдон, бўшлиқни хосил қилади ва махсулоти таннархи нисбатан баландлигига қарамай, кичик бизнес субъекти самарали фаолият кўрсата олади.

Юқоридаги фикр-мулохазалардан кўринадики, кичик бизнеснинг иштирокини кенгайтириш учун уларнинг экспортдаги кандай мансублигини аниклаб, алохида ендашув ишлаб чикиш лозим. Шунга кура, кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятини рағбатлантирувчи омилларнинг асосий тавсифи турли даражаларда (махсулот, корхона, тармок, худуд, макромухит) намоен булиши, тегишли равишда уларни тартибга солишни хам тармок, худуд ва макродаражада амалга ошириш мумкинлигини хисобга олиб, кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ўзаро мувофиклаштирилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чикиш зарурлиги асосланди.

Узбекистонда кичик бизнес субъектлари томонидан махсулот экспорт қилишни макродаражада тартибга солиш борасида аҳамиятли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Узбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8 августдаги ПҚ-2022-сон «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра Ташқи иқтисодий фаолият миллий

27

банки хузурида республика минтақаларида худудий филиаллари, шунингдек хорижий давлатлардаги ваколатхоналари бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма хисоботларига кўра, ўтган даврда унинг асосий фаолият курсаткичлари буйича ижобий натижа қайд этилган. Жумладан, 2015 йилда 2014 йилга нисбатан имзоланган экспорт шартномалари хажмининг 178,4%, амалга оширилган экспорт хажмининг 124,1%, хукукий, молиявий ва ташкилий хизматлар курсатилган тадбиркорлик субъектлари сонининг 133,9%, халқаро кўргазма ва анжуманларда иштирок этишига ердам кўрсатилган кичик бизнес субъектлари сонининг 240%, мазкур тадбирлар доирасида имзоланган экспорт келишувлари ҳажмининг 201,5% га ўсишига эришилган. Шу билан бир қаторда, шартнома тузишда ердам курсатилган тадбиркорлик субъекти сони чет эллик хамкорларни топиш (64,2%), халкаро кўргазмаларда (58,5%),иштирок этиш, халқаро сертификатлар олиш ва божхона расмийлаштируви (74,9%), экспорт шартномаларини тузиш ва рўйхатга қуйиш (35,5%) буйича хизматлар кўрсатилган тадбиркорлик субъекти сони олдинги йилга нисбатан пасайган. Бу эса Жамғарма фаолияти самарадорлигини мунтазам бахолаб ва ошириб бориш заруратини вужудга келтириб, ишда унинг умумий фаолият самарадорлиги, экспорт шартномаларини қоплаш ва хаетийлиги, экспорт фаолиятга янги субъектларнинг жалб этилиши, экспорт таркибига янги махсулот турларининг киритилиши даражаси кўрсаткичлари тизими тавсия этилган.

Жамғарма фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда эътибор қаратиш муҳим бўлган жиҳатлардан бири — кичик бизнес субъектларига экспорт шартномаларини тузишда кўрсатиладиган ѐрдамнинг манзиллилик даражаси ҳисобланади. Шунга кўра, ушбу нуқтаи-назардан Жамғарманинг иш фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг «Тескари тартибдаги рейтинг нисбати» усулидан фойдаланиш таклиф қилинган (4-жадвал).

Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятдаги иштирокини давлат томонидан тартибга солиш мухим хисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иктисодиет вазирлиги, Вазирлар Махкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиклаштириш қўмитасининг 2009 йил 24 апрелдаги 48, 71, 5-сонли қарорлари билан тасдикланган «Хўжалик бошкарув органлари ва корхоналарнинг модернизация ва янги технологиялар жамғармаси тўғрисида Низом» орқали ташкил этиш ва тартибга солиш кўзда тутилган жараенларнинг янада самарали амал қилишини таъминлаш мақсадида қуйидаги таклифлар илгари сурилган: Жамғарма номини «Модернизация ва инновациялар жамғармаси» тарзида ўзгартириш; уни барча йирик корхоналарда ташкил этилишини қоида тариқасида белгилаш; иннова цион фаолиятда кичик бизнес субъектларининг иштирокини фаоллаштириш мақсадида жамғарманинг муайян фоизини (масалан, табақалашған холда 5 дан то 20% гача) инновацион кичик бизнес корхоналари билан хамкорликда амалга оширилишини таъминлаш; Жамғарма маблағларининг кичик бизнес субъект ларига буюртма сифатида такдим этилган кисмига давлат томонидан кушимча имтиезларни такдим этиш; Жамғарма маблағларининг манбаларини бюджет

28 маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар, халқаро ташкилотлар маблағлари ва бошқа жалб этилган маблағлар хисобига кенгайтириш.

4-жадвал Жамғарма томонидан экспорт шартномаларини тузишда кўрсатиладиган ѐрдамни манзиллилик даражасини баҳолашнинг «Тескари тартибдаги рейтинг нисбати» усули амаллари кетма-кетлиги<sup>1</sup>

Амаллар кетма кетлиги	Амалда бажариладиган ишнинг асосий мазмуни	Хисоблаш усули еки келиб чикувчи натижа
1-амал	Мамлакатдаги кичик бизнес субъектлари умумий экспорти хажмида худудларнинг улушини аниклаш	$3Y_{\chi} = \frac{3X_{\chi}}{3X_{M}} \times 100\%$
2-амал	Мазкур улушларни тўғри боғликликдаги ("ўсиб борувчи") рейтинг кўрсаткичлари оркали ифодалаш (1-рейтинг)	$3Y_{\chi} = 1, 2, 3,, n$

3-амал	Жамғарма ердамида тузилган кичик бизнес субъектлари экспорт шартномалари ҳажмида ҳудудларнинг улушини аниқлаш	$ЭШУ_{\chi} = \frac{ЭШX_{\chi}}{ЭШX_{\chi\chi}} \times 100\%$
4-амал	Мазкур улушларни тўғри боғликликдаги ("ўсиб борувчи") рейтинг кўрсаткичлари оркали ифодалаш (2-рейтинг)	$3Y_{\chi} = 1.2.3n$
5-амал	Худудлар умумий сонидан келиб чиккан холда "Тескари тартибдаги рейтинг нисбати" кўрсаткичининг энг юкори (идеал) кийматини аниклаш	$\mathrm{MK}_{\mathrm{TPH}} = \sum_{i,j=1}^{n} \frac{P_{\mathrm{T}ijr_{i}}}{P_{\mathrm{Tec}_{j}}}$
6-амал	1-рейтинг ва 2-рейтинг ўртасидаги нисбатни хисоблаш орқали экспорт шартномаларини тузишда кўрсатиладиган ердам манзиллилик даражасининг амалдаги холатини аниқлаш	$\mathrm{M}\mathrm{A}_{\mathrm{HSM}} = \sum_{i=0}^{n} \frac{\mathrm{P}_{\mathrm{SO}i}}{\mathrm{P}_{\mathrm{HSMO}i}}$
7-амал	Экспорт шартномаларини тузишда кўрсатиладиган ердам манзиллилик даражасининг амалдаги холатини "Тескари тартибдаги рейтинг нисбати" кўрсаткичининг энг юкори (идеал) киймати билан таккослаш оркали хулоса чикариш	$\begin{split} HK &= M \mathcal{I}_{\mathcal{H} \exists III} - M K_{TPH} \\ HK &\rightarrow 0 \end{split}$

Юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда кичик бизнеснинг инновацион ғоялар ва технологияларни амалиетта жорий этишдаги иштирокини янада фаоллаштириш учун янги имкониятларни яратади.

#### ХУЛОСАЛАР

- 1. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини тартибга солиш, уларни қўллаб кувватлаш жараенларини давлатнинг иктисодий сиесатини самарали амалга ошириш, тадбиркорликнинг фаолият ва танлов эркинлиги, мустақил хўжалик юритиш, ташаббускорлик, иктисодий манфаатдорликнинг устуворлиги каби тамойилларига ҳамда мотивацион жиҳатларига путур етказмаслик нуқтаи назаридан ташкил этиш соҳанинг жадал ривожланишига имкон яратади.
- 2. Кичик бизнес субъектларини давлат томонидан тартибга солиш объектини белгилаб олиш максадида ишловчилар сони жихатидан мезонларни ўрнатишда назарий асосларга таяниш, хусусан, ишчи кучининг сўнгги кўшилган махсулоти, «корхонанинг минимал самарали кўлами» ва корхона ходимлари сонини «функционал жихатдан комплектлаш» концепцияларидан

29

келиб чиқиш мазкур соҳа фаолияти самарадорлигини таъминлашга имкон беради.

3. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш шакл ва воситалари кичик бизнес соҳасининг ривожланганлик даражасига кўра ўзгариб, унга мос тушувчи воситалар қўлланиб бориши лозим.

<sup>-1</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Соҳа тараққиѐтининг дастлабки палласида кўпроқ тадбиркорлик асосларига ўқитиш, бизнес-режа тузишда кўмаклашиш ва маслаҳат бериш, турли имтиѐзлар бериш, микрокредитлаш муҳим ўрин тутса, нисбатан кейинги босқичида имтиѐзли кредитлаш, лизинг, кафиллик тизимини яратиш, ўрта муддатли кредитлар тақдим этиш, навбатдаги босқичида эса давлат буюртмаси билан таъминлаш, ташқи бозорга чиқишга кўмаклашиш, миллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш мувофиқ тушади. Шунингдек, соҳа тараққиѐтининг дастлабки босқичларида кўпроқ давлатнинг бевосита тартибга солиш механизмлари самарали бўлса, унинг ривожланиб бориши билан билвосита тартибга солиш механизмларининг роли кучайиб боради.

- 4. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишни соддалаштириш, шу жумладан муддатларини қисқартиришда имкон қадар уларни кўпроқ ташкил этишни рағбатлантириш нуқтаи-назаридан ендашиш, бунда тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш борасидаги ғояларни қўллаб-қувватлашдан бошлаб, уларни амалга ошириш имкониятларини ўрганиш ҳамда тегишли ҳужжатларни тайерлашгача бўлган жараенларни сифатли ва қисқа муддатларда бажарилишини таъминловчи махсус инфратузилма хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва ўз хизмати сифати учун масъуллик механизмининг кучайтирилиши мазкур жараенларни давлат томонидан тартибга солиш чегараларини кенгайтириб, самарадорлигининг ошишига олиб келади.
- 5. Кичик бизнес субъектларини давлат томонидан тартибга солиш ишбилармонлик доирасида мухитининг ривожланганлик даражасини ифодаловчи миллий рейтинг тизими кўрсаткичларини Doing Business мувофиклаштириш индикаторларига хамда уларнинг камраб коэффициентининг бахолаб борилиши бизнес юритиш шарт-шароитларининг яхшиланишига сезиларли таъсир кўрсатади.
- 6. Кичик бизнес субъектларига давлат томонидан имтиезлар белгилашда мазкур жараенга давлат иктисодий сиесатининг мухим таркибий кисми сифатида ендашиш; имтиезлар рағбатлантирувчилик таъсирининг пасайиб кетишига йўл кўймаслик; имтиезлар хар бир турининг мазмун-мохиятидан келиб чиккан холда, уларни ўзаро узвий боғликликда ва кетма-кетликда кўллаш, бунда хар бир алохида холат бўйича энг юкори самарага эришиш мумкин бўлган имтиез туридан фойдаланиш; имтиезларнинг таъсирини мунтазам равишда тахлил килиб, уларнинг самарадорлигини бахолаб бориш хамда шароитлар ўзгариши туфайли ушбу таъсир пасайганда уларни ўзгартириш бўйича чораларнинг ўз вактида кўлланиши юкори даражадаги самарани таъминлайди.
  - 7. Кичик бизнес субъектларини давлат томонидан тартибга солишда пул кредит сиèсати таъсирининг ўзига хос тавсифини эътиборга олиш мазкур жараèнлар самарадорлигининг ошишига имкон яратади. Айниқса, кичик бизнес

30 субъектлари банк бўлган талабни тўғри томонидан кредитларига шакллантирилишининг тартибга солиниши, мазкур жараѐнларнинг рағбатлантирилишида, иктисодий фаолликни ЭНГ мамлакатдаги аввало

таъминлаб туриш учун етарли пул микдори, яъни иктисодиетнинг макбул даражадаги монетизация даражасини таъминлаш вазифасидан келиб чикиш максадга мувофик хисобланади.

- банкларининг кичик бизнес субъектларини кредитлаш Тижорат самарадорлигини ошириш бўйича давлат таъсири ўз ичига куйидаги асосий тадбирларни олиши лозим: тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини кредитлашдан манфаатдорлигини ошириш; Марказий банкнинг монетар сиесат дастакларидан тижорат банкларини кичик бизнес субъектларини кредитлашда рағбатлантириш йўлида фойдаланиш; Имтиѐзли кредит жамғармаси кўпайтиришни кредитларини рағбатлантириш; тижорат кредит портфелида узок муддатли банкларининг кредитлар салмоғини оширишни рағбатлантириш.
- 9. Кичик бизнеснинг ташқи савдо фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда соҳанинг экспорт фаолиятини рағбатлантирувчи маҳсулот, корхона, тармоқ, ҳудуд ва макромуҳит даражасига хос бўлган ҳар бир омилнинг самарали иштирокини таъминловчи яҳлит стратегиянинг шакллантирилиши маҳсулот экспорт қилишни тармоқ, ҳудуд ва макродаражада тартибга солиш дастакларини ишлаб чиқиш орқали таъминланади. Бунда экспорт шартномаларини тузишда кўрсатиладиган ѐрдам манзиллилик даражасини баҳолашнинг «Тескари тартибдаги рейтинг нисбати» усулидан фойдаланиш мазкур жараѐнлар самарадорлигини оширишга имкон яратади.
- 10. Кичик бизнес корхоналари ташкил топиш жараѐнининг енгиллиги, уларнинг капитал сиғими паст бўлган янги иш ўринларини тезлик билан ташкил этишга кодирлиги, ишчи кучини ѐллашда микдор самарасининг амал килиши, ишга ѐллаш ва меҳнат килишнинг мослашувчан шарт-шароитлари кенг тарқалганлиги каби ўзига хос жиҳатлари ишчи кучи бозоридаги талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш борасида кўшимча имкониятларни ишга солади. Касбий таълим ва қайта тайѐрлаш марказлари томонидан тайѐрланган ва қайта тайѐрланган ходимларни ишга ѐллашни рағбатлантирувчи иқтисодий меҳанизмнинг жорий этилиши, ишсизларни касбга ўқитиш ва қайта тайѐрлаш бўйича Давлат дастурида белгиланган микдорини ҳудудлар бўйича тақсимлаш услубиѐтининг такомиллаштирилиши бозор иқтисодиѐтининг тез ўзгарувчан шароитида, айниқса, иқтисодиѐтда таркибий ўзгартириш ва модернизациялаш жараѐнлари таъсирида ялпи ишчи кучи талаби ва таклифи таркибида вужудга келувчи ўзаро номувофикликни қисқартириш имконини беради.
  - 11. Гаус-Марков мезонлари èрдамида текшириш натижасида статистик аҳамиятли эканлиги, параметрларининг ишончли эканлиги ҳамда мультиколле неарлик ва гетероскедастик ҳатоликлари йўқлиги аниқланган кўп омилли регрессион модель шуни кўрсатадики, кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини янада оширишда соҳа корҳоналари сонини аҳамиятли даражада кўпайтириш, уларга киритилаèтган инвестициялар ҳажмини

субъектларининг йирик корхоналар билан кооперация алоқаларини ривожлантириш, уларда банд бўлган ходимлар сонини кўпайтириш, айникса, кишлок жойларда кичик бизнес корхоналарини ташкил этиш оркали бандлик даражасини ошириш мухим йўналишлардан хисобланади.

12. Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятдаги иштирокини давлат томонидан тартибга солишда муайян таклифларнинг оширилиши, жумладан, «Модернизация ва инновациялар жамғармаси»ни барча йирик корхоналарда ташкил этиш, инновацион фаолиятда кичик бизнес субъектларининг иштирокини фаоллаштириш максадида маблағларининг муайян қисмини инновацион кичик бизнес корхоналари билан хамкорликда фойдаланилишини таъминлаш, йирик фирмалар томонидан ажратилган, кичик корхоналар билан хамкорликдаги фаолият учун йўналтирилган венчур (тахликали) инвестициялаш асосий компаниядаги ИТТКИга сарфларни минималлаштириш, технология, кадрларни айирбошлаш, техник ва технологик вазифаларни самарали хал этиш, корхоналар ўртасида нисбатан мустахкам кооперацион алокаларни ўрнатиш имконини беради.

# РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА 14.07.2016.I.31.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ БАНКОВСКО-ФИНАНСОВОЙ АКАДЕМИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И ТАШКЕНТСКОМ ФИНАНСОВОМ ИНСТИТУТЕ

#### ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ

#### ГАФУРОВ УБАЙДУЛЛО ВАХАБОВИЧ

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКИХ МЕХАНИЗМОВ ГОСУДАРСТВЕННОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА

08.00.08 – Экономика предпринимательства и малого бизнеса 08.00.01 – Экономическая теория (экономические науки)

АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ

Тема докторской диссертации зарегистрирована под номером 30.09.2014/B2014.5.I310 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете.

Автореферат диссертации на трèх языках (узбекский русский, английский) размещен на веб странице научного совета (www.bfa.uz) и информационно – образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziyonet.uz).

## Научный консультант: Юсупов Ахмадбек Таджиевич

доктор экономических наук, профессор

#### Официальные оппоненты: Иминов Одилжон Каримович

доктор экономических наук, профессор

**Абдурахмонов Олим Қаландарович** доктор экономических наук, профессор

#### Набиев Элшод Ганиевич

доктор экономических наук, профессор

Ведущая организация: Государственный комитет Республики Узбекистан по приватизации, демонополизации и развитию конкуренции

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан (зарегистрировано под номером\_\_\_). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Мовароуннахр, 16. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Автореферат диссерт	гации разо	ослан «	<b>&gt;&gt;</b>	2017 года
(протокол реестра	OT «	<b>&gt;&gt;</b>	2	2017 года).

### А.Ш.Бекмуродов

Председатель научного совета по присуждению ученой степени доктора наук, д.э.н., профессор

# Ш.Р.Актамов

Учèный секретарь разового научного совета на основе научного совета по присуждению ученой степени доктора наук, PhD

#### Н.Х.Хайдаров

Председатель научного семинара при разовом научном совете на основе научного совета по

# ВВЕДЕНИЕ (Аннотация докторской диссертации)

Актуальность И необходимость темы диссертации. мировой экономике за последние десять лет, особенно, в условиях устранения негативного влияния последнего мирового финансово-экономического кризиса радикально меняются многие теоретические взгляды на роль государства в регулировании экономики и функции малого бизнеса в обеспечении высоких темпов экономического развития. По данным Международного Валютного Фонда (IMF), «на сегодняшний день в мире 90% предприятий, относящихся к малому и среднему бизнесу, обеспечивают работой 63% мирового населения. В масштабе Европейского союза, общая доля малого и среднего бизнеса составляя 99,8 процента, обеспечивает работой 85 процентов населения, образовании которые участвуют всего 58 процентов добавленной ctoumoctu»<sup>1</sup>.

С первых лет независимости в Республике Узбекистан развитие малого предпринимательства рассматривалось частного качестве приоритетного направления социально-экономического развития национальной экономики. Отмечая ключевые принципы, на которых институциональное развитие малого бизнеса в Узбекистане, следует признать, что он базируется «...на сформированной мощной законодательной и правовой базе, постоянном ее совершенствовании, системной государственной помощи в вопросах предоставления бизнесу льгот и преференций, техническом и технологическом переоснащении и модернизации производства»<sup>2</sup>. Государством были реализованы систематические меры по регулированию малого бизнеса, в частности, направленные на повышение его доли в производстве валового внутреннего продукта обеспечении занятости населения, технологической совершенствование малого бизнеса, структуры удовлетворение потребностей в кредитных ресурсах и создание благоприятной предпринимательской среды. В результате успешного регулирования развития деятельности малого бизнеса, по итогом 2015 года доля малого бизнеса и частного предпринимательства в валовом внутреннем продукте Узбекистана составила 56,5%; в объеме промышленного производства – 40,6%, в объеме сельскохозяйственного производства – 98,4%, в объеме инвестиций в основной капитал – 35,8%. В настоящее время в сфере малого бизнеса и частного предпринимательства успешно трудится 77,9% занятого населения страны<sup>3</sup>.

В мировой экономике ключевое значение приобретают совершенствование экономических механизмов государственной поддержки малого бизнеса за счет эффективного использования потенциала денежно-кредитных, инвестицион ных, имущественных и других механизмов воздействия на малые предприятия, создание благоприятной деловой среды для их развития, поиск путей - 1 источник: https://www.imf.org/external/pubs/ft/sdn/2015/sdn1504.pdf

наращивания их экспортного потенциала за счет внедрения инновационных идей и технологий. Наличие указанных обстоятельств предопределили актуальность темы диссертационного исследования и направления научного поиска его автора.

35

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4354 от 24 августа 2011 года «О дополнительных мерах по формированию максимально благоприятной деловой среды для дальнейшего развития малого бизнеса и частного предпринимательства», №УП-4725 от 15 мая 2015 года «О мерах по обеспечению надежной защиты частной собственности, малого бизнеса и частного предпринимательства, снятию преград для их ускоренного развития», №УП-4848 от 5 октября 2016 года «О дополнительных мерах по обеспечению ускоренного развития предпринимательской деятельности, всемерной защите частной собственности и качественному улучшению делового климата» и других нормативно правовых документов, связанных с институциональным укреплением экономических механизмов государственного регулирования малого бизнеса в Республике Узбекистан.

Соответствие исследования c приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках проекта ППИ-2 - «Разработка научных основ дальнейшего углубления формирование демократических реформ, гражданского общества, модернизации и либерализации национальной экономики» в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации <sup>1</sup>. Научные исследования по совершенствованию экономических механизмов государственного регулирования малого бизнеса проводятся ведущими научными центрами и высшими учебными заведениями мира, в том числе: Economic Development Institute, World bank, Harvard University, Peterson Institute for International Economics, University of Chicago (США), Organisation for Economic Cooperation and Development (ОЕСD) (Франция), World Intellectual Property Organization (WIPO) (Швецария), Asia-Pacific Economic Cooperation (АРЕС) (Сингапур), Montpellier Business School (Франция), Институт экономической политики (Россия), Oxford University (Великобритания), Огдапіzation for Small and Medium Enterprises and Regional Innovation (SMRJ) (Япония), The Institut für Mittelstandsforschung (IfM) (Германия), Ташкентский государственный экономический университет и Ташкентский финансовый институт (Узбекистан).

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> Выступление Президента Республики Узбекистан на открытии международной конференции «О роли и значении малого бизнеса и частного предпринимательства в реализации социально-экономической политики в Узбекистане». 14 сентября 2012 года. – www.uza.uz

<sup>&</sup>lt;sup>3</sup> Данные приведены на основе следующего источника: Малое предпринимательство Узбекистана. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. Статистичекий сборник. – Т., 2016, с.18-50.

